

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли холосаси асосида тайёргланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**  
**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**  
**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломчинослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**  
**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**  
**Зарифжон Гуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz  
**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz  
Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Zohidjon Islamov.**

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

**Ramil Adygamov.**

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

**Zafar Fakhreddinov.**

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили ..... 23

**Jurabek Chutmatov.**

Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри ..... 31

**Ahmadkhan Alimov.**

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

### ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

**Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.**

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида  
фойдаланиш услуби ..... 51

**Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.**

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

### ДИНШУНОСЛИК

**Nigora Yusupova.**

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг  
ҳуқуқий асослари ..... 65

**Odiljon Ernazarov.**

Shamsuddin Samarcandiying xristianlik haqidagi qarashlari ..... 74

**Jurabek Sodikov.**

«Ta’vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e’tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili ..... 80

**Shahzoda Abduraimova.**

Distribution of religious media contents on websites in Germany ..... 90

**Behzodbek Soipov.**

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамоилиининг  
аҳамияти ..... 96

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Sanabar Djurayeva.**

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi ..... 103

**Muhabbatkhan Agzamova.**

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий  
ёритишдаги аҳамияти ..... 108

**Lola Azimova.**

Марказий Осиё цивилизацияси ривожида илмий масканларнинг ўрни ..... 115

**Oybek Sotvoldiyev.**

«Ат-Табақот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида ..... 122

**Zarifjon Arslonov.**

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan  
mavzular tahlili ..... 130

**ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ**

**Doniyor Muratov.**

Арбайн жанри хусусида ..... 139

**Akmalkhan Akmalkhanov.**

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini ..... 148

**Dilfuza Sagdullaeva.**

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услугубий хусусиятлари ..... 156

**Feruza Nizamova.**

Dehlaviy ijodida badiiyat an’analari ..... 163

**Bahodirjon Azamov.**

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг  
манбашунослик таҳлили ..... 171

Ahmadkhan U. ALIMOV,  
Research Fellow of the Imam Maturidi International  
Scientific Research Center under the International  
Islamic Academy of Uzbekistan.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: ahmadkhon\_alimov@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/5

ڪٽابِ اُنِّي إِنِّي فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرْجٌ مِّنْهُ لِشَدَرٍ بِهِ وَدُكْرِي  
لِلْمُؤْمِنِينَ

«(By Kуръон) Сизга нозил қилинганди Китобдир. У билан (умматингизни) огохлантиришингизда кўксингизда ундан танглик (шубҳа) бўлмасин» (Аъроф, 2) (А.Мансур, 2020:151) оягини

«Сизга нозил қилган нарсамиздан (тариҳий воқеалар хусусида) шубҳа қилсангиз, ўзингиздан олдинги Китобни ўқидиганлардан сўранг» оягини келтириб шарҳлади.

Шу каби, «Тағобун» сураси 3-оятида бошқа оятлардан келтиришини кузатишимиш мумкин:

«.. وَ لَقَدْ خَلَقْنَا إِلَّا نَسَمَةً أَنْتَ تَقْوِيمُهَا وَ لَقَدْ كَرَمْنَا بْنَ آدَمَ «دَارْخَاقِعَةً إِنْسَانٍ إِنَّمَا يُحِبُّ الْمَعْلُومَ» (تین, 4) ҳамда «دَارْخَاقِعَةً إِنْسَانٍ إِنَّمَا يُحِبُّ الْمَعْلُومَ» (Исро сураси, 70-оят) оятларини келтириб, маъносини очиб беради.

Шу каби у Куръонни Куръон билан шарҳлашда, баъзан оятларни тўлиқ келтириб шарҳласа, баъзан шарҳловчи оят мазмунини келтириб шарҳлади.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг тафсирлари. Маълумки, ҳадислар Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари, қилган ишларидан иборат бўлиб, уларда тавҳид, одобахлоқ, ибодат, шаръий ҳукмлар баён этилган. Шунинг учун исломда суннат Қуръондан кейин иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Муфассирлар ўз шарҳларида ҳадислардан кенг фойдаланадилар ва буни зарурӣ, деб қарайдилар.

Тафсир қилишда Куръон ва ҳадиснинг аҳамиятини олимлар асосли зикр этиб ўтганлар. Чунки, у Куръонни шарҳловчиси ва тушунтириб берувчисидир. Куръони каримда:

بِالْبَيِّنَاتِ وَالْأُثُرِ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا بَرَأَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ

«Сизга одамларга нозил қилинганди (аҳкомлар)ни тушунтириб беришингиз ва улар тафаккур қилсинлар, деб бу зикр (Куръон)ни нозил қилдик» (Наҳъл сураси, 44-оят), дейилган» (А. Мансур, 2020:272).

Абул Лайс тафсирида ҳадислардан ҳам кенг фойдаланган. Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўплаб ҳадисларини келтиради, сўзларнинг маъноларини баён қиласди, улар билан Қуръоний ҳукмларни ёки тушуниш қийин бўлган ўринларни шарҳлади.

Аллома ҳадислардан фойдаланишда, баъзан ривоят қилувчилар силсиласини зикр этса, баъзан зикр этмай, «Муҳаммад (с.а.в.) шундай деганлар»

## АБУЛ ЛАЙС ТАФСИРИ МАНБАЛАРИ ВА МУФАССИРНИНГ УСЛУБЛАРИ

### SOURCES OF ABUL LAITH'S TAFSIR AND HIS COMMENTING METHODS

### ИСТОЧНИКИ ТАФСИРА АБУЛ ЛАЙСА И СТИЛИ КОММЕНТИРОВАНИЯ

#### КИРИШ

Тафсир илми авлоддан-авлодага ўтиб, тараққий этаркан, Қуръонни шарҳлашда маълум жиҳатлар устуворлиги юзага чиқа бошлади. Айрим олимлар тафсир қилишда нақлга асосий эътиборни қаратсалар, айримлари асосан нақл ва ақлни ишлатиб, тафсир асарларини ёздилар. Бошқалар эса, факиҳлар фиқҳ соҳасига бағищланган тафсир асарларини, мутасаввиф олимлар тасаввуфий тафсирларни яратдилар. Айрим фирмә ва оқимлар эса, ўз ғоя ва қарашларини Қуръон орқали исботлаш мақсадида уни бузуб талқин эта бошладилар. Шундай қилиб, асрлар давомида асосан юқоридаги йўналишлар бўйича Қуръон шарҳлари битилиб, ораларидан машҳур асарлар ҳам юзага келди. Натижада тафсир қилишда муфассирлар суюнадиган манбалар ҳамда тафсир ёзишда ҳар бир муфассирнинг услуби шаклланди. Куйида Қуръон оятларини тафсир қилишдаги манбалар таҳлили амалга оширилади.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Кўпчилик уламолар Қуръонни тафсир қилишда аввал унинг ўзидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаганлар. Чунки Қуръонда бир жойда мужмал бўлган нарса, бошқа жойда кенгрок, бир жойда қисқа берилган нарса бошқа жойда кенгайтириб берилади. Абул Лайс ўз тафсирида айнан мана шу йўлдан бориб, шарҳни энг аввало Қуръоннинг ўзидан қидиради.

**Аннотация.** Мовароуннаҳр ҳудудидан етишиб чиқсан алломалар яратган бой илмий, диний-маърифий мерос қаторида тафсирлар, айниқса, ҳанафий мазҳаби уламолари томонидан ёзилган илмий тафсирларнинг аҳамияти бекўс. Бу борада Мовароуннаҳр муфассирларининг тафсир илмида тутгани ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, уларнинг Куръонга ёзилган шарҳларида иккита муҳим омил устувор ҳисобланган:

биринчидан, Куръонга қилинган Муҳаммад (с.а.в.), саҳобий ва тобиийларнинг шарҳлари, умуман, Куръони карим билан боғлиқ тарқоқ ривоятларни жамлаб, Куръонни имкон қадар муфассал тадқиқ этиб, шарҳлаш;

иккинчидан, асл ислом моҳиятидан узилган турли диний ақидавий оқимларнинг фикр ва қараашларига илмий асосланган раддиялар бершида Куръонни бош манба сифатида истифода этиб, ақидавий ояtlар, фиқҳий масалаларни янада кенгроқ ёритиб берши.

Куръон ва тафсир илмлари илмий тадқиқотларнинг янги мавзуси эмас. Уларнинг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари ва турларини ўрганиши тегишили соҳа вакиллари тадқиқотларида катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, Куръони каримни тафсир қилишида асосий ва қўшимча манбалар ҳамда ҳар бир муфассирнинг ўзига хос услуги мавжуд. Уибу мақолада тафсир манбалари ҳамда мовароуннаҳрлик муфассирларнинг тафсир қилишидаги услублари тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** Тафсир, таъвил, манба, муфассир, оят, ҳадис, Куръон илмлари, муҳкам, муташобеҳ.

**Abstract.** Among the rich scientific, religious heritage created by the scholars of the Mawarannahr region, the significance of the tafsirs, especially the scientific tafsirs written by the scholars of the Hanafi madhab, is incomparable. In this regard, it is worth emphasizing the position of tafsirs (commentaries) of Mawarannahr commentators in the science of interpretation. This is because in their commentaries on the Qur'an, two important factors were prioritized:

Firstly, they compiled the interpretations of Muhammad (PBUH), Companions and Followers on the verses, as well as scattered narrations related to the Holy Qur'an, and researched and commented on the Qur'an in as much detail as possible;

Secondly, they used the Qur'an as the main source to give scientifically based refutations to the thoughts and views of various religious dogmatic sects that are disconnected from the original essence of Islam, and explained doctrinal verses and jurisprudential issues more widely.

Qur'anic and tafsir sciences are not a new topic of scientific research. The study of their content, essence, characteristics, and types has been occupying a large place in the research of representatives of the relevant field.

Also, in the interpretation of the Holy Qur'an, there are primary and additional sources, and each commentator has his own method. In this article, the sources of tafsir and the methods of interpretation of Mawarannahr commentators are studied.

**Keywords:** Tafsir, ta'wil, source, commentator, verse, hadith, Qur'anic sciences, muhkam, mutashabih.

**Аннотация.** Среди богатого научного, религиозно-просветительского наследия, созданного учеными региона Мавераннахр, значение тафсиров, особенно научных тафсиров, написанных учеными ханафитского мазхаба, несравненно. В связи с этим стоит подчеркнуть позицию комментаторов Мавераннахра в науке толкования. Потому что в их комментариях к Корану приоритетными были два важных фактора:

во-первых, комментарии Мухаммада (мир ему и благословение Аллаха), сподвижников и табиинов по Корану, в общем, сбор разрозненных повествований, связанных со священным Кораном, исследование и комментирование Корана как можно подробнее;

во-вторых, используя Коран как основной источник для дачи научно обоснованных опровержений мыслей и взглядов различных религиозных доктринальных течений, оторванных от сути ислама, для более широкого освещения доктринальных аятов и вопросов юриспруденции.

Коран и тафсир не являются новой темой научных исследований. Изучение их содержания, сути, характеристики и видов занимает большое место в исследованиях представителей соответствующей области.

Также в толковании Священного Корана есть первичные и дополнительные источники, и у каждого комментатора есть свой метод. В данной статье изучаются источники тафсира и методы интерпретации комментаторов Мавераннахра.

**Ключевые слова:** тафсир, та'вил, источник, комментатор, аят, ҳадис, коранические науки, муҳкам, муташабих.

тарзида ҳадисларни келтириб ўтади. Бу каби ҳолатлар унинг тафсирида кўплаб учрайди.

Жумладан,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَيْكُمْ أَنفُسُكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ  
إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جِبِيلًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

«Эй имон келтирган бандалар ўзингларга эҳтиёт бўлинглар. Ҳидоят топган бўлсангиз адашганларнинг сизларга зарари йўқдир. Барчангиз Аллоҳнинг ҳузурига қайтгувчидирсиз. Албатта, Аллоҳ қилган ишларингиздан хабардор» (А.Мансур, 2020:125) «Моида» сурасининг 105-оятини куйидаги ҳадис билан шархлайди:

«Амр ибн Жобир Лахмий Абу Умайядан ривоят қиласи: «Саълаба Хашнийдан ўша оят ҳакида сўрадим, у: Бу оят ҳақида биладиган киши – Расулуллоҳдан сўрадим. У киши бундай дедилар, деди: «Эй Саълаба! Бир-бирингизни эзгуликка чақиринг, бир-бирингизни ёмонлиқдан қайтаринг. Агар, дунё юқори қўйилганини, Аллоҳнинг моли устидан қўйган ҳуқуқларини инкор этадиганни, ҳар бир фикр эгасининг ўз фикри билан фахрланишини кўрганингда ўзингга эҳтиёт бўл...»».

Абул Лайс тафсирида ҳадислар кўп бўлиб, улар орасида заиф ҳадислар ҳам мавжуд. Лекин, шунни айтиб ўтиш жоизки, унинг даврида мавзу ҳадислар ҳам ислом оламида кенг тарқалиб кетган эди. Ислом олимлари саҳих ҳадисларни жамлаган ҳолатларида ҳам баъзи масалаларни ечишда бошқа саҳих бўлмаган ҳадисларга мурожаат этишга мажбур бўлганлар. Бу эса ўз-ўзидан ҳадисларни қаттиқ текшириб олишга тўқсинглик қиливчи омил бўлган. Шунга кўра, бошқа диний мавзудаги асарлар каби Абул Лайс тафсири ҳам заиф ҳадислардан холи бўлолмаган.

Шунингдек, уламолар одоб-ахлоқ, тарбиявий аҳамиятга молик заиф ривоятларни ислом таълимотларини ёйиш мақсадида қўллашган.

Саҳобаларнинг тафсирлари. Муфассирлар тафсир қилишда саҳобалар сўз ва ижтиходларидан кенг истифода этадилар. Чунки, саҳобалар Куръон нозил бўлаётган вақтда Мухаммад (с.а.в) билан бирга бўлганлар ҳамда ўша вақтдаги шарт-шароитни яхши фаҳмлабланлар.

Абул Лайс тафсирида саҳобаларнинг сўзларидан манба сифатида кенг истифода этган. Жумладан, Али ибн Абу Толиб, Умар ибн Хаттоб, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдуллоҳ ибн Масъуд каби саҳобаларнинг ривоятларидан кенг фойдаланилган. Бу ривоятлар баъзан Мухаммад (с.а.в.)дан нақл этилса, баъзан саҳобанинг ўзининг шарҳи ҳам бўлади.

Абул Лайс саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ривоятларини кўпроқ келтирган бўлиб, ундан куйидаги санадлар орқали ривоят қилган:

Икрема – Ибн Аббос ёки Саид ибн Жубайр – Ибн Аббос Заҳҳок – Ибн Аббос. Бу йўл мунқате саналади, чунки Заҳҳок Ибн Аббос билан учрашмаган.

Калбий – Абу Солиҳ – Ибн Аббос. Бу энг кучисиз йўл, чунки Калбий ривоятларнинг сўзларини чалкаштиришда гумон қилинади. Муҳаммад ибн Соиб ибн Бишр Абу Назр Калбий (ваф. 763) тарих, насаблар, тафсир илмлари олими. Куфада туғилиб, шу ерда вафот этган. Баъзилар ҳадис ривоятида заиф, дейди. Имом Насой эса Калбийдан ишончли ровийлар ҳадис нақл этиб, тафсирини мақбул, деб караганлар, деган.

Баъзан Абул Лайс Ибн Аббоснинг ўзини санадсиз зикр этиб: «Ибн Аббосдан шундай ривоят қилинади..», ёки «Ибн Аббос шундай деган..», деб айтади. Тафсирда ривоятнинг ададига кўра навбатдаги ўринда саҳобалардан Ибн Масъуд туради. Ундан ривоятлар куйидаги силсила билан келтирилади:

Мужоҳид – Ибн Масъуд. Бу энг ишончли йўллардан бўлиб, бу йўл орқали Имом Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида ҳам ривоятлар келтирган.

Айрим ўринларда Абул Лайс Ибн Масъуд ривоятини санадсиз зикр этади. Масалан: «Ибн Масъуддан шундай ривоят қилинади...», деб ёзди.

Абул Лайс тафсирини қиёсий ўрганиш натижасида унда номлари зикр этилган саҳобаларнинг тўлиқ сони ва улар томонидан қилинган ривоятлар сони аниқланди.

Аллома ўз тафсирида Абдураҳмон ибн Амр ибн Ос, Муовия, Саид ибн Ос, Самра ибн Жундуб, Амр ибн Ос каби тафсир борасида камроқ ривоятлари этиб келган саҳобаларнинг ривоятларини ҳам келтирган.

Абул Лайс Самарқандий ровийлар силсилаларини ҳар доим келтирмайди. У шундай тарзда ўқувчини Куръон шарҳидан четга чикармай, узлуксизликни таъминлашга ҳаракат қиласи.

Тобеийларнинг тафсирлари. Маълумки, ҳадис ва фиқҳ, тафсир каби исломий илм тараққиётида тобиийлар муҳим ўрин тутадилар. Улар саҳобаларнинг толиблари бўлиб, илм-маърифатни жамлашда салмоқли из қолдиргандар. Уларнинг сўзлари, ижтиходлари кўпчилик уламолар томонидан манба сифатида тан олинган. Абул Лайс тафсирида тобиийларнинг сўзларига ҳам мурожаат қилиб, Макка мактабига мансуб – Мужоҳид, Саид

ибн Жубайр, Икрима, Товус, Ато, Мадина мактаби тобеий муфассирларидан – Абул Олия, Муҳаммад ибн Каъб Куразий, Зайд ибн Аслам. Ироқ мактаби намояндадаридан – Алқама ибн Қайс, Омир Шаъбий, Ҳасан, Қатода, Асвад ибн Язид, Мурра Ҳамадоний ривоят ва шарҳларини келтирган. Каъб ал-Ахбор, Вахб ибн Мунаббих каби ахли китоб ривоятларини нақл этувчи олимлардан ҳам истифода этади. Суддий, Муқотил, Калбий, Заҳҳок ривоятлари ҳам Абул Лайс тафсирида кенг фойдаланилган. Аллома тафсирида Калбий, Мужоҳидларнинг сўзларидан бошқаларга нисбатан кўпроқ истифода этган.

Муқотил ибн Сулаймон ибн Башир Балхий Абул Ҳасан (ваф. 767). Асли балхлик, сўнг Басрага кўчиб борган. Бағдодда ҳам яшаб, ҳадис нақл этган. Басрада вафот этган. Тафсир бўйича бир қанча асарлар яратгани манбаларда зикр этилган. Мужоҳид ва Заҳҳокдан тафсири ўрганган.

Абул Лайс ўз тафсирида Макка, Мадина ва Ироқ тафсир мактабларининг намояндадари ривоятларидан кенг фойдаланган. Ушбу мактаблар ичida ададига кўра Макка намояндадари ривоятларидан нисбатан кўпроқ фойдаланганини кўриш мумкин. Фақат Макка мактаби олимларидан Товус ва Ато ибн Абу Рабоҳлардан кам ривоятлар келтирган. Ироқ мактаби олимларидан эса, Алқама ибн Қайс, Масруқ, Асвад ибн Язид, Мурра Ҳамадоний, Омир Шаъбийлардан кам фойдаланган. Шунингдек, Мадина мактаби олимларига камрок мурожаат этган.

Исроилиёт ривоятлари. Аҳли китоб ривоятлари саҳобаларнинг тафсир қилишларидаги манбаларидан бири бўлган. Улар Қуръондан бирор қиссани эшитсалар, Қуръон очиқ баён этмаган жойларни Қуръонга саркашлик қилмаган ҳолда аҳли китобдан сўрашга мойил бўлганлар. Лекин, саҳобалар ақида ва ҳукмларга оид масалаларда улардан фикр олмаганлар. Фақат Қуръонда келган қиссалардаги бирор мавзуни янада асослироқ баён қилишда уларнинг ривоятларидан фойдаланганлар.

Уламолар аҳли китобларда келган ривоятларни уч турга бўлганлар:

1. Қуръон, ҳадислардаги тўғрилиги аниқланган хабарлар. Бу ривоятлар энг ишончли бўлиб, улар далил сифатида келтирилган. Масалан, Мусо (а.с.)нинг дўсти Хизр экани яхудийлар томонидан айтилган ривоятга биноан аниқланган. Бу ҳақда Имом Бухорий ривоят қилган сахих ҳадис ҳам мавжуд.

2. Ислом динига каршилиги билинган ёки ақлга тўғри келмайдиган хабарлар. Мазкур турга

мансуб ривоятларни қабул қилиш тўғри эмас. Масалан, пайғамбарларнинг гуноҳдан маъсум эканига путур етказувчи ривоятларни айтишлари асосли эмас.

3. Сукут сакланадиган хабарлар. Улар биринчи ёки иккинчи қисмга тегишли бўлмаган ривоятлар бўлиб, уларга ишониш ҳам, ишонмаслик ҳам мумкин эмас. Чунки, улар тўғри ҳам, нотўғри ҳам бўлиши мумкин.

Абул Лайснинг тафсирида юқоридаги исроилиёт қиссаларининг уч тури мавжуд бўлиб, қиссаларни келтирганда кўпинча уларга баҳо бермай ривоятларни келтириб ўтиш билан чекланишини кузатамиз:

فَأَرَأَهُمَا الشَّيْطَانُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ وَقَتْلَنَا أَهْبِطُوا بِعَضْكُمْ  
لِيَظْهِرَ عَذَّبُ وَلَكُنْ فِي الْأَرْضِ مُسْتَقْرٌ وَمُتَنَاعٌ إِلَى حِينٍ

«Улар (Одам ва Ҳаввони) жаннатдан у ерда бўлганларидан кейин чиқарди» (Бақара, 36) (А.Мансур, 2020:6) оятини тафсир қилишда Ибн Аббосдан аҳли китобларнинг ривоятларини келтиради, қисқачаси: «Иблис Одам (а.с.)га берилган неъматга ҳасад қилиб, жаннатдан чиқариш учун ҳийла қилди. Шайтон илон суратига кириб, сўнг жаннатнинг эшиги олдига келиб, уларни чақириди ва деди:

«Раббингиз бу дарахтдан фақат икки фаришта ёки икки абадий (одам) бўлиб қолмаслигингиз учун (меваларидан) ейишдан қайтарган, (деди)» (Аъроф сураси, 20-оят). Яъни, сиз абадий бўлиб қолмаслигингиз учун абадият дарахтидан ейишдан қайтарган, деган. Кейин улар дарахт меваларидан истеъмол қилдилар. Баъзилар (яъни аҳли китоблар) айтдиларки: Ҳавво Одамга: «Кел, мана бу дарахт меваларидан ейлик», деган. Ўзи танаввул қилгандан кейин Одамга ҳам емагунича қўймаган». Абул Лайс Самарқандий ўз тафсирида баъзилар дедилар, «баъзилар дедилар» деб, ривоят қилувчини зикр этмайди.

Абул Лайс ўз тафсирида Тавротдан ҳам манба сифатида фойдаланган. Бу ҳақда у тафсирининг бир неча ўринларида айтиб ўтган. Шунингдек, Таврот аҳлларининг ўзларидан эшитганларидан ҳам тафсирида фойдаланган. Бунга тафсиридан «Таврот аҳлининг шундай деганларини эшитдим...» деб, Яъкуб пайғамбар фарзандларининг номларини келтириши мисол бўлади.

Бундан ташқари, Икрима, Заҳҳок, Муқотил, Вахб ибн Мунаббих каби ислом олимлари томонидан бошқа тобеийларнинг ривоятларини келтиради. Шунингдек, яхудийлардан исломни қабул қилган Каъб ал-Ахбор, Абдуллоҳ ибн

Салом каби саҳобалардан ҳам ривоятлари мавжуд. Умуман, Абул Лайснинг исроилиёт қиссаларига муносабати худди бошқа муфассирлар каби бўлган.

Қироатлар. Қироат илми тафсир қилишда муҳим илмлардан бири ҳисобланади. Чунки, Қуръон қироатлари ва тафсир орасида кучли алоқа мавжуд. Икки хил қироатдан устунрорги оят тафсирида икки маънодан бирини устун қиласди. Шу каби икки маънодан бирини икки қироатдан бирини бошқасидан устун килиши мумкин. Бу эса, қироат ва тафсир илмларининг бир-бирига боғлик эканлигини кўрсатади.

Умуман, саҳобий ва тобеийлар даврида қироат турлари жуда кўпайиб кетган. Фақат 300-хижрий йилларга келиб 10 та мутавотир қироатлар мўътабар саналиб, алоҳида ажратилди. Осим, Нофе, Абу Амр, Ибн Омир, Абдуллоҳ ибн Касир, Кисой ва Ҳамза қироатлари шулар жумласидандир. Шундан бошқа қироатлар машҳур ва хато қироатлар сифатида эътироф этилди. Мутавотир ривоятлар асосидаги қироатлар билан бир қаторда машҳур қироатлар ҳам бўлиб, улардан оятнинг тафсирида фойдаланиш мумкин.

Абул Лайс тафсирида Қуръон қироатларига катта аҳамият берилган. Бу борада у бошқа муфассирлардан алоҳида ажралиб туради. Муфассир бир ёки бир неча қироатларни зикр этиб, уламоларнинг бу ҳақдаги фикрларини келтиради (Абдуллаев А., 2023:150). Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, сўнг юқорида зикр этилган етти қироат имомлари қироатларидан келтиради. Шунингдек, баъзан заиф қироатларни ҳам айтиб ўтади. У қироатларни келтириб шарҳлаётганда сарф, нахв ёки балоғатга оид далиллар билан улардан бирини бошқасидан устун қиласди. Масалан, Фотиҳа (1) сурасининг 6-оятидаги (الصراط) сўзининг турлича ўқилганини зикр этиб ўтади. Ибн Касир (السراط), деб «сад»нинг ўрнига «син» ўқиган, Ҳамза эса (الزراط), деб «сад» ўрнида «за» ўқиган, бошқа қироат илми олимлари (الصراط), деб ўқиганлар. Ҳаммаси тўғри, чунки «сад» ва «син» ҳарфларининг маҳражи бир, «за»нинг маҳражи ҳам уларга яқин. Булар орасида энг кенг тарқалган ўқиш бу «сад» билан ўқишидир.

Абул Лайс Самарқандийнинг қироатларга эътиборини (مَالِكُ يَوْمَ الدِّينِ) ояти тафсирида кўриш мумкин: «Нофе, Ибн Касир, Ҳамза, Абу Амр ибн Ало ва Ибн Амр (مَالِك), деб «алиф»сиз ўқидилар. Осим ва Кисой «алиф» билан (مَالِك), деб ўқиганлар. Алиф билан ўқилса, васфда маъноси кенгрокдир. Масалан «уй эгаси» дейилганда ҳам

ушбу сўз ишлатилади. (مَالِك) эса, фақат подшоҳларга ишлатилади. Кимки алифсиз ўқиган бўлса, кенгрок маънода бўлади деган. Масалан, шаҳарнинг подшоси дейилса, бу сўз мамлакат учун киноя сифатида айтилган бўлади. Агар, фалончи мана бу шаҳарнинг эгаси десангиз, ҳақиқатан мавжуд мулкини назарда тутган бўласиз».

Ушбу қироатларни санаб ўтар экан, унинг қироат илмида билимга эга эканлиги аён бўлади. Абул Лайс Қуръоннинг маъносини очиб беришда қироат илмини кенг ишлатган.

Луғавий манбалар. Маълумки, Қуръонни тафсир қилиш учун муфассирлар лугат илмини билишлари шарт ҳисобланган. Чунки, бу илм араб тилидаги сўз маъноларининг келиб чиқиши ва қандай маъно бериши мумкинлигини аниқлайди. Араб тили синонимларга бой тил бўлиб, Қуръонда маълум бир сўз қайси маънода ишлатилганини ўрнига қўйиб бериш жуда муҳим саналади. Абул Лайс Самарқандий тафсирда лугат илмининг аҳамияти ҳақида бундай дейди: «Бирор киши лугат ва оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билмай Қуръонни тафсир қилиши мумкин эмас».

Олим тафсирида Ибн Қутайба, Асмай, Қуртубий, Зажжож, Фарро, Халил ибн Ахмад, Кутабий, Абу Убайда каби лугат илми олимларининг асарларидан фойдаланган. Жумладан, Абу Убайданинг «Мажоз ал-Қуръон», Ибн Қутайбанинг «Таъвил мушкил ал-Қуръон», Зажжожнинг «Маоний ал-Қуръон» асарларидан истифода этган. Баъзан лугат илмiga оид сўзни айтган кишини зикр этмай, «луғат илми аҳли деди» ёки «баъзи лугат илми соҳиблари дедилар», деб талқин этган. Шу билан бирга, Абул Лайс фақат олимларнинг сўзларини келтириш билан чекланмай, баъзан Қуръон сўзларидан бирига берилган бир неча маъноларни зикр этиб, бирини бошқасидан устун ҳам қўяди.

Абул Лайс ўз тафсирида Қуръондаги сўзларнинг маъноларини ўрганади, турли ҳикоялардаги ўхшашликларни келтиради.

Оятини тафсир қилишда бундай дейди: «Ибн Аббос айтиди: «بـ» сўзи лугатда «эга» маъносидадир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда (أَرْجَعَ إِلَيْهِ رَبَّكَ) «Эгангнинг олдига қайт», деган».

Абул Лайс сарф илми (синтаксис)дан ҳам фойдаланиб, зарур ўринларда сўз вазни ҳосилаларини айтиб ўтади. Қуръон сўзларини фаҳмлашда нахв илмининг аҳамияти катталигини эътироф этади. Чунки, нахв илми сўзининг маъноларини чеклаб беради, баъзи нахв илмiga оид масалалардан келтиради. Лекин, мисол келтиришда чукурлашиб кетмайди.

Шеърлар. Муаллиф тафсирида юқоридаги манбалардан ташқари араб шеъриятидан ҳам манба сифатида кенг фойдаланган. У оятларнинг тафсирида имкони борича классик манбалардан маълумот излайди. Улардан мазкур оятни тўлақонли ёритиб берувчи талқин топа олмаган тақдирда қадимги араблар истеъмол қилган сўзлардан қидириб, шеър билан далил келтиради.

Жумладан, «Бисмиллоҳ»нинг тафсирида сўзини шундай тафсир қиласди: «Баъзилар дедилар: Аллоҳ, деб номланишига сабаб шуки, у Зотни кўз билан кўриб бўлмайди. Аллоҳ сўзининг ўзак маъноси, «яширин»дир. Бир шоир бундай деган:

«Раббим халқдан тўла яширинди,

Яратувчи кўринмас ва бизни кўрар».

У шеърлардан баъзан оятдаги бирон сўзга маъно беришда фойдаланса, баъзан оятнинг маъносини очиб беришда истифода этади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَخَذُنَا بِطَائِفَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُوئُكُمْ حَبَالًا  
وَدُوْا مَا عَيْنُمُ قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءِ مِنْ أَقْوَاهُمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرٌ قَدْ  
بَيَّنَ لَكُمُ الْآيَاتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ

«Эй имон келтирганлар, ўзингиздан ўзгаларни якин дўст тутманглар» (Оли Имрон сураси, 118-) ояти шарҳида куйидаги шеърни келтиради:

«Кишидан (қандайлигини) сўрама, унинг дўстига қара,

Дўст ўзининг яқинига тобе бўлур»

Унинг шеърлардан истифода этиши бошқа маъсур тафсиirlар яратган муфассирларнинг тутган йўлларига ўхшаш бўлиб, сўзларнинг мазмунига киришища раъйга берилиб кетмаслигини кузатиш мумкин.

Куръон илмлари. Маълумки, Куръон илмлари таркибига кўп сонли илмлар киради. Уларнинг баъзиларини аллома ўз тафсирида истифода этган.

Маккий ва маданий оят ва суралар. Абул Лайс ҳар бир сура тафсирининг бошида оятлар сони ва нозил бўлган ўрнини баён этади. Масалан, «Моида» сураси бошида бундай дейди: «Хаммаси Мадинада нозил бўлган, 120 оятдан иборат».

Шунингдек, баъзи сураларнинг маккий ва маданийлиги бўйича ихтилофларини келтириб ўтади. Чунки, сураларнинг баъзи қисми Маккада, бошқа қисми Мадинада нозил бўлган. Масалан: «Нахл» сураси ҳакида бундай дейди: «Бу сура 128 оятдан иборат. Охирги 3 та оят маданий бўлиб, улардан бошқалари Маккада нозил бўлган».

Носих ва мансух оятлар. Носих ва мансух оятларни билиш муфассирлар учун зарурий илмлардан саналган. «Насх»нинг маъноси бир

оят ҳукми, бошқа оят ҳукмини бекор қилишидир. Куръон арабларга 23 йил давомида тушиб, уларнинг шарт-шароитларини хисобга олган. Шунинг учун исломнинг аввалидаги баъзи ҳукмлар кейинги ҳукмлар билан бекор қилинади.

Абул Лайснинг ушбу зарур илмни чуқур эгаллаган олим эканлиги тафсир давомида яққол кўзга ташланади. Мисол сифатида «Бақара» сурасидаги «насх» ҳакида оят шарҳида бундай дейди:

«Зажжож деди: Насх луғатда бирор нарсанинг бошқа нарсани бекор қилиши ва унинг ўрнини ўша бекор қилаётган нарсанинг эгаллашидир». Кейин амр ва байруқларда насх бўлиши мумкинлигини ҳамда қисса ва хабарларда насх бўлиши мумкин эмаслигини айтади. Чунки, қисса ва хабарларда насх бўлиши мумкин бўлса, у ҳолда улар ёлғонга чиқиб қолади. Ёлғон эса, Куръонда бўлиши мумкин эмас.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا نَّهَايَةٍ وَلَا مُؤْتَنٌ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ

«Эй, мўминлар, Аллоҳдан чинакам қўрқингиз ва мусулмон бўлмай дунёдан ўтмангиз» (Оли Имрон сураси, 102-) ояти тафсирида ушбу оятни насх бўлмаган деювчиларга раддия беради: «Кўпчилик муфассирлар бу оят мансух бўлган, деганлар. Баъзилар эса, мансух дейиш мумкин эмас, чунки Аллоҳ бандаларнинг қўлидан келмайдиган нарсага буюрмайди, дейишган. Рўйирост қўрқиши қўлларидан келади, деган сўзга жавоб – улар бу ишда қаттиқ машаққатга учрайдилар, чунки бу имкониятни қийинлаштиради ҳамда шу ҳолларида бардавом бўлолмайдилар. Аллоҳ таоло бандаларини қўлларидан келмайдиган ишга буюрмайди. Шунинг учун уларга енгиллатиб:

فَإِنْ شَوَّهُوا اللَّهَ مَا أَسْتَطَعْتُمْ

«Тоқатингиз етганча Аллоҳдан тақво қилинглар», деди.

Оятнинг нозил бўлиш сабаблари. Оятнинг нозил бўлиш сабабларини билиш оятнинг мазмунини аниқлаб беришда ёрдам бергани сабабли муфассирлар учун керакли илмдир. Куръоннинг баъзи оятларини тушунишда мушкуллик туғилиши табиий. Оятнинг нозил бўлиш сабабини билмай тафсир қилиш Куръон муродидан бошқа нарсага етаклаши мумкин. Ёки оятнинг нозил бўлиш сабаби илми маънони янада равшан ва аниқ беришда истифода этилган. Тафсирида олимнинг бу илмни яхши эгаллаганини кўриш мумкин:

«Бу дунё ҳаётида одамларнинг ичидаги сўзи сизни ажаблантирадиганлари бор», яъни Ахнас

ибн Шурайқнинг сўзи. Унинг сўзи ва кўриниши ширин, кўнгли эса фожир (виждонсиз) эди. Асбот Суддийдан қилган ривоятида бундай дейилади: Ахнас ибн Шурайқ Мадинада Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб: «Ислом динини хоҳлаб келдим, Аллоҳ менинг тўғрисўзлигимни билувчидир», дейди. Набий (с.а.в.) унинг сўзларидан ажабланадилар. Сўнг, у чиқиб мусулмонларнинг экинларини ёқиб юборади, бир эшакни бориб жароҳатлади, шунда ушбу: «Бу ҳаёт дунёсида одамларнинг ичида сўзи сизни ажаблантирадиганлари бор» ояти нозил қилинган.

Муҳкам ва муташобеҳ оятлар. Муҳкам ва муташобеҳ оятлар Қуръони карим илмларидан саналади. Уламолар уларни ажратиш орқали тўғри тафсир қилиш мумкинлигини зикр этганлар. Муҳкам ва муташобеҳ оятлар ҳақида кўпчилик манбаларда зикр этиб ўтилган. Абул Лайс ҳам ўз тафсирида муҳкам ва муташобеҳ оятлар ҳақида тўхталиб, қандай оятлар муҳкам ва қандай оятлар муташобеҳ эканини зикр этиб ўтади.

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحَكَّمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ  
وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٍ فَمَنَا الَّذِينَ يَقْرُئُونَهُ فَيَسْتَعْوِنُ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ اَنْتَعَاءُ  
الْفَتْنَةِ وَإِتْبَاعَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلُهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَسْتَعْوِنُ  
آمَنَّا بِهِ كُلُّ مَنْ عَنِدَ رَبِّنَا وَمَا يَدْكُرُ إِلَّا وَلُوا الْأَبْيَابِ

«У Сизга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда шу Китобнинг «онаси» саналмиш муҳкам (маъноси аник) оятлар ва муташобеҳ оятлар ҳам бор. Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг муташобеҳ оятларига эргашадилар. Ҳолбуки, ундей оятлар таъвилини фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Илмда мустаҳкамлар эса дейилар: «Унга имон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Парвардигоримиз ҳузуридандир. Бундан фақат ақл өгалари эслатма олурлар» (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Олим оят шарҳида муҳкам ва муташобeҳ оятлар ҳақидаги турли олимларнинг сўзларидан келтиради: «Баъзилар дедилар: «Муҳкам бу маъноси тушунарли ҳамда таъвил қилиш эҳтимоли бўлмаган оят. Муташобeҳ эса бир сўз бошқа сўзга ўхшаш бўлиб, маъноси бошқача бўлиши». Яна дедилар: «Муҳкам бу луғатнинг ҳақиқатдаги маъноси, муташобeҳ ундан ҳам кенгроқ маъноси». Агар: «Қуръон баён учун нозил бўлган бўлса, нима учун ҳаммасини тушунарли қилмади», деб савол берилса, жавоб бериладики: «Бунинг ҳикмати уламоларнинг фазлини кўрсатиш учундир. Агар, ҳаммаси тушунарли бўлса, уламоларнинг фазли кўринмайди». Шу каби китоб ёзган олимлар баъзи

жойларни тушунарли, баъзи жойларни тушунишга қийинроқ қиласидилар. Чунки, нимаики мавжудлиги енгил бўлса, қиймати тушади». Тафсира кўпинча «бу оят муҳкам, бу оят эса муташобeҳ» деб келтирилган ва ўзи ёки бошқа олимлардан нақл қилинган маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тафсира муҳкам ва муташобeҳ атамаларига шарҳ берилган.

Лекин, муҳкам деганда баъзан носих оятларни, муташобeҳ деганда мансух оятларни назарда тутади.

## НАТИЖА

Абул Лайс Самарқандий услуби бошқа муфассирлар каби асосан, Қуръон, ҳадис, саҳобий ва тобиийлар сўзларига таяниб, тафсирини шеърлар, исроил қиссалари, араб тилшунослари сўзлари билан бойитган. Асар Қуръон илмларидан кироатлар, носих-mansuh, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, муҳкам ва муташобeҳ каби билимларни акс эттириб, ўзига хос услугига эга бўлди ва юртимизда дастлабки тафсир асарлардан бири сифатида юзага келди.

Абул Лайснинг тафсир қилишдаги услуби куйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Оятни шарҳлашда бошқа оятларни келтиради ҳамда ҳадислар, саҳобий ва тобеийлар ривоятларидан кенг фойдаланади;
2. Ривоятларни келтириш билан чекланмай оят шарҳига кўпроқ мос келадиганини ажратиб беради;
3. Оятларни шарҳлашда луғавий манбаларга кўп мурожаат этган;
4. Мовароуннаҳр ва умуман мусулмон ўлкалари муфассирлари орасида қироат турларидан кўп истифода этади;
5. Ақидавий оқимларнинг қарашлари ва шарҳларига илмий асосда раддия беради;
6. Тафсирида фиқҳий масалаларни ҳам ўз ўрнида муҳтасар ва лўнда тарзда баён этади. Шу билан бирга фақих бўлишига қарамай тафсирини фақат фиқҳий масалалар ечимиға бағишилмайди (Абдуллаев А., 2023:156).

Унинг Қуръон, ҳадис, саҳобалар сўзларига таяниб, оят шарҳини баён этиши, ўз даври ва кейинги даврларда ҳанафий мазҳабининг, энг аввало Қуръон ва суннага асосланишини таъкидлаб, бу мазҳабнинг ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлган.

Абул Лайснинг ҳикматли сўзлари ҳамда Қуръонга шарҳлари кейинги давр олимлари учун муҳим манба сифатида истифода этилди. Қуртубий ўзининг тафсирида олимнинг кўплаб

сўзлари ва шарҳларидан истифода этиб, 16 ўринда унинг номини зикр этади. Ибн Касир уни зикр этиб, ривоятларидан келтиради. Асқалоний ўзининг «Фатҳ ал-Борий» асарида Абул Лайснинг ривоятларидан истифода этиб, уни тўрт ўринда зикр этган. Абдурауф Мановий ҳадис илмига бағишланган «Файзул қадир» асарида уни зикр этган. «Ҳидоя», «Найл ал-автор», «Ави ал-Маъбуд» каби фикҳий манбаларда унинг сўзлари, қарашлари келтирилади.

## ХУЛОСА

XI–XII асрларда Куръонни шарҳлашда раъй-ижтиходни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Илгариги даврдан фарқли равища оятларни шарҳлашда олимлар қатор ривоятларни келтирмай, балки айрим ҳоллардагина уларни келтира бошладилар. Бундан Куръонни шарҳлашда бутунлай ривоятлардан истифода этилмай қолди, деган фикр келиб чиқмайди. Олимлар илгари зикр этилган ривоятларни қайтармай, оят шарҳини ривоятлар мазмунига зид бўлмаган, балки мувофиқ келадиган тарзда ўз сўзлари билан шарҳлашга ўтдилар. Улар тафсир борасида олдинги асрда ёзилган Имом Мотуридийнинг «Таъвилот аҳл ас-сунна» асарини шарҳлашга эътибор қаратишларига кўра, ақидавий масалалар бўйича ихтилофлар кўпайган кўринади. Шунинг учун олимлар ақидага оид оятларни талқин этишда мустаҳкам ақидавий тизим бўлмиш мотуридийлик ақидасига таянганлар.

Бу даврда раъй билан тафсир қилиш муфассирнинг фикри Қуръон, суннатга, саҳобаларнинг сўзларига хилоф бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Куръон ва суннат, саҳобаларнинг сўзлари бўлмиш мўътабар манбаларга хилоф равища раъй (ижтиход, фикр) билан шарҳлашга барча давр олимлари қарши бўлганлар. Чунки, бунда маълум бир гурухлар, оқимлар Қуръон оятларининг шарҳини ўз қарашларига мослаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин.

Мовароуннахрда тафсиршунослик ўзига хос ривожланиб, турли даврларнинг шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда Қуръон шарҳи бойитиб борилган. Илк даврларда тафсир ҳадиснинг ажралмас қисми сифатида ҳадис тўпламларида зикр этилиб, авлоддан-авлодга етказилган бўлса, X асрдан бошлаб, Қуръон тўлиқ шарҳланган асарлар битилди. XI–XII асрларда Куръонни шарҳлашда нақл билан бирга раъй-ижтиходни ишлатиш кенг ўрин эгаллади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз Мансур. (2009) Қуръон маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: «Тошкент Ислом университети».
2. Абдуллаев А. (2007) Мовароуннахр тафсир илми тараққиёти (IX–XII асрлар). Тошкент: «Bookmany print»
3. Али ибн Сулаймон Абийд. (2007) Жамъул Қуръон ҳифзан ва китобатан. Shamelae-book.
4. Белл Р., Уотт У. М. Коранистика. (2005) Введение. Москва-Санкт Петербург: «Диля».
5. Гольдциер И. (1955) Ислом тафсири йўналишлари. / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулхалим Нажкор. Кохира.
6. Захабий. (1995) Ат-Тафсир вал-муфассирун. 3 жилли. Кохира: Мактаба ал-Ваҳба.
7. Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. (1961) Ўрта Осиёлик кирқ олим. Тошкент: «Ўзбеканаднашр».
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 3. (2001) Москва: Восточная литература.
9. Ислам. Историографические очерки под ред. С.М. Прозорова. (1991) Москва: «Наука».
10. Ислам: Энциклопедический словарь. (1991) Москва: «Наука».
11. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. (2016) Тошкент: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
12. Ислом энциклопедияси. (2004) Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
13. Караматов Х. С. (1995) Қуръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: «Фан».
14. Клинович Л.И. (1988) Книга о Коране. Москва: «Политиздат».
15. Мухаммад Бақр Исмоил. (2007) Диросот фи улумил-Қуръон. – Shamelae-book.
16. Мухаммад ибн Лутфий Саббог. (1990) Ламаҳот фи улумил-Қуръон ва иттиҳоҳот ат-тафсир. Байрут: Мактаб Исломий.
17. Мухаммад Тоҳир Курдий. (2007) Тарихул Қуръон. Shamelae-book.
18. Мухаммад Шафоат Раббоний. (2007) Маккий ва маданий. Shamelae-book.
19. Нёльдеке Т. (2004) Қуръон тарихи / Араб тилига таржима ва изоҳлар муаллифи Ж. Томар. Байрут.
20. Обидов Р. (2003) Қуръон ва тафсир илмлари. Тошкент: «Тошкент Ислом университети».
21. Сагдиев Х. (2015) Абу Жаъфар ат-Таҳовий ҳаёти ва илмий мероси. Тошкент: «Мовароуннахр».
22. Encyclopedia of Islam (1977) / New edition. V. IV. Leiden.
23. Ozdes T. (2003) Maturidinin tefsir anlayisi. Istanbul / Insan Yayınlari.

### REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2009) Qur'on ma'nolarining tarjima va tafsiri. Tashkent: «Toshkent Islom universiteti».
2. Abdullayev A. (2007) Mavarounnahr tafsir ilmi taraqqiyoti (IX-XII asrlar). Tashkent: «Bookmany print»
3. Ali ibn Sulaymon Abiyd. (2007) Jam'ul Qur'an hifzan va kitabatan. Shamela e-book.
4. Bell R., Uott U. M.Koranistika. (2005) Vvedeniye. Moskva-Sankt Peterburg: «Dilya».
5. Goldsiyer I. (1955) Islom tafsiri yo'nalishlari. / Translated and commented by Abdulhalim Najjar. Cairo.
6. Dhahabi. (1995) At-Tafsir wal-mufassirun. 1-3 volumes. Cairo: Maktaba al-Wahba.
7. Irisov A., Nosirov A., Nizomiddinov I. (1961) O'rta Osiyolik qirq olim. Tashkent: «O'zfanakadnashr».
8. Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii. Ensiklopedicheskiy slovar. Vyp. 3. (2001) Moscow: Vostochnaya literatura.
9. Islam. Istoriograficheskiye ocherki pod red. S.M.Prozorova. (1991) Moscow: «Nauka».
10. Islam: Ensiklopedicheskiy slovar. (1991) Moscow: «Nauka».
11. Islom ma'rifati va hozirgi zamон. (2016) Tashkent. «Toshkent Islom universiteti» publishing house.
12. Islom ensiklopediyasi. (2004) Tashkent: «O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi» state scientific publishing house.
13. Karamatov H. S. (1995) Qur'on va o'zbek adabiyoti. Tashkent: «Fan».
14. Klimovich L.I. (1988) Kniga o Korane. Moscow: «Politizdat».
15. Muhammad Bakr Ismoil. (2007) Dirasat fi ulumil-Qur'an. – Shamela e-book.
16. Muhammad ibn Lutfi Sabbagh. (1990) Lamahat fi ulumil-Qur'an va ittijahat at-tafsir. Beirut: Maktab Islami.
17. Muhammad Tahir Kurdi. (2007) Tarikh al-Qur'an. Shamela e-book.
18. Muhammad Shafaat Rabbani. (2007) Makki wa madani. Shamela e-book.
19. Nyoldeke T. (2004) Qur'on tarixi / Translated into Arabic and commented by J. Tomar. Beirut.
20. Obidov R. (2003) Qur'on va tafsir ilmlari. Tashkent: «Toshkent Islom universiteti».
21. Sagdiyev H. (2015) Abu Ja'far at-Tahoviy hayoti va ilmiy merosi. Tashkent: «Mavarounnahr».
22. Encyclopedia of Islam (1977) / New edition. V. IV. Leiden.
23. Ozdes T. (2003) Maturidinin tefsir anlayisi. İstanbul / Insan Yayınları.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўкув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,  
мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتریدیۃ - Матуридизм

4/2023

*Бош мұхаррір:* Ж.Каримов

*Мұхаррір:* З.Фахриддинов

*Нашир учун масъул:* З.Арслонов

*Чет тилларидаги матнлар мұхарріри:* О.Сотвоздиев

*Дизайнер-саҳифаловчи:* З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

**E-mail:** [info@moturidiyuz](mailto:info@moturidiyuz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишига 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \%$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.  
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 20.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



**IMOM MOTURIDIY**

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية